HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

# TOSHKENT HAQIQATI

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2022-yil 18-may
CHORSHANBA
№ 36 (13493)

@haqiqatonline

Мавсум юмушлари



**Қуйи Чирчиқ туманида 2022 йилги ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмасдан ўриб-янчиб олиш юзасидан амалий семинар ташкил этилди.**

# "ҒАЛВИРНИ СУВДАН КЎТАРАДИГАН" ВАҚТ ЯҚИН





Унда Бош вазир ўринбосари Ш. Ғаниев, Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи З. Мирзаев, вилоят ва туман секторраҳбарлари, фавқулодда вазиятлар ва ички ишлар бўлимлари, "ТСТ cluster" МЧЖ ҳамда ўрим мавсумига масъул бўлган мутасаддилар, отрядлар раҳбарлари ва комбайн операторлари иштирок этишди.

Семинарда отряд раҳбарлари ва масъулларга ғалла ўрими мавсумига пухта ҳозирлик кўриш, техникалар шайлиги, донни қабул қилиш пунктларининг тайёрлик даражаси, транспорт таъминоти, ташувни ташкил этиш бўйича қатор зарур вазифа ва тавсиялар берилди.

**Маълумот учун:** Қуйи Чирчиқ туманида 13 минг 400 гектар майдонга буғдой экилган бўлиб, 107 минг 320 тонна ҳосил етиштириш кўзда тутилган. Бунинг учун 38 та ўрим отряди ташкил қилинган. Ҳар бир отрядга 11 тадан масъул ходим бириктирилган.



Кучли фуқаролик жамияти сари



**Маълумки, шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови бошланди.**

# МАҲАЛЛА ИШОНЧИ – ЖУДА КАТТА ГАП

Вилоятда ҳам жорий йилнинг 16 май кунидан бошланган жараёнга пухта тайёргарлик кўрилди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, қонунчилик талабларига мувофиқ, вилоятда сайлов ёшига тўлган фуқаролар умумий сонининг камида 12 фоизи миқдоридаги 236 минг 211 нафар сайловчилар, ҳар бир фуқаролар йиғинларида ўртача 232 нафар вакиллар сайловларда овоз беришда қатнашишади.

Бу йил вилоятда 1 минг 20 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раислиги учун 4 минг 611 нафар номзод сектор раҳбарлари ҳамда республика ишчи гуруҳлари томонидан кўриб чиқилди.

Шундан суҳбат натижаларига кўра, 2 минг 522 нафар номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига тавсия этилган. Номзодларни ўрганиш давомида вилоят бўйича 633 нафар амалда фаолият кўрсатиб келаётган маҳалла раислари номзодлари ҳам қайта тавсия этилган.

– Вилоят кўмаклашувчи комиссиясининг мунтазам фаолият олиб борадиган штаби ҳам ўз ишини бошлаган, – дейди вилоят кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Дилшод Шоисмановов. – Унда доимий фаолият юритадиган мутахассислар жалб этилиб, сайлов бўйича аҳоли мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жойлардан сайлов жараёни қандай ўтаётгани ҳақида кетма-кет хабарлар келмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)




## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

**ЧИРЧИҚ давлат** педагогика институтида "Шодлик" маҳалласидаги кўп қаватли уйларда ижарада яшовчи талабалар билан очиқ мулоқот ўтказилди.

Суҳбатда ижарадаги талабаларнинг яшаш шароитлари, техника хавфсизлиги ҳамда гигиена қоидаларига амал қилишлари, шунингдек, ижара шартномаларини расмийлаштириш бўйича тушунтириш берилди.

**БЎСТОНЛИҚ туманида** Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти ташкил этилганининг 90 йиллиги муносабати билан байрам тадбири ташкил этилиб, унга туманнинг турли ҳудудларидан ногиронлиги бўлган фуқаролар таклиф этилди.

Тадбирда туман маданият бўлими ҳамда таниқли санъаткорлар куй-қўшиқлар ижро этиб, йиғилганларга хушкайфият улашишди.

**ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ туманининг** маданият бўлими тасарруфидаги "Помпарам" корейс хор жамоасига ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш ва миллий қадриятларни тиклашдаги фаол хизматлари ҳамда ижрочилик маҳорати учун "Халқ ҳаваскорлик жамоаси" мақоми берилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда туман ҳокими ўринбосари Д. Асқаров ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

**ОҲАНГАРОН шаҳри** ҳокими А. Эшонқулов 8- ҳамда 9-умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчилари билан суҳбатлашди.

Самимий мулоқотда ўқувчи-ёшларнинг олий таълим, касб-ҳунарга йўналтириш масалалари бўйича берган саволлари, ечимини кутаётган муаммолари муҳокама қилинди.

**ЧИНОЗ туманидаги** мактабларда фаолият юритаётган ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар ўртасида "Заковат" интеллектуал ўйини ўтказилди.

Унда Чиноз, Олмазор, Пахта, Эшонобод ҳамда Яллама ҳудудларидан жамланган 5 та жамоа билимларини синашди.

Беллашувда Ялламанинг "Билимдонлар" жамоаси 1-ўринни қўлга киритди.



**"Тиббиётдаги ислоҳотлар – инсон қадри учун" мавзусида ўтказилган очиқ мулоқот аввалида давлатимиз раҳбари қуйидаги фикрни билдирди: "Ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, фақатгина соғлом халқ, баркамол миллат буюк ишларга қодир бўлади. Эл-юртимиз азалдан шифокорларни, инсон саломатлигини асрашдек эзгу ва савобли ишга бутун борлиғини бағишлаган фидойи зотлар, деб билади ва ҳамиша қадрлайди. Чунки одамлар сизларга ўзларининг энг бебаҳо бойликларини – ҳаётларини ишониб топширади."**

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА, МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС

## соғлиқни сақлашда ҳал қилувчи омил

Дарҳақиқат, саломатлик инсоннинг бирламчи эҳтиёжи ҳисобланади. Шу боис, давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, соҳани изчил ривожлантиришга хизмат қилувчи кўплаб ислоҳотларга бош бўлмоқда.

Биргина Чирчиқ шаҳрида жойлашган Тошкент вилояти кўп тармоқли Тиббиёт марказида амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳсинга сазовор. Кейинги йилларда муассаса биноларини замон талаблари асосида таъмирлаш, янгиларини қуриш, илғор тиббий ускуналар билан таъминлаш, дори-дармон етказиб бериш сифати, шунингдек, тиббиёт ходимлари малакасини узлуксиз ошириш борасидаги ишлардан аҳоли мамнун. Бу ерга даво истаб келувчиларга, аввало, замона-



вий технологиялар асосида ташхис қўйилиб, муолажа олишлари ҳамда, турли жарроҳлик амалиётлари ўтказишда жаҳоннинг илғор тажрибаларига таянилаётгани беморлар учун айни муддао бўлди.

– Марказимиз 112 ўринга мўлжалланган бўлиб, бугунги кунда 6 та даволаш-профилактика ва 2 та ёрдамчи бўлимлар ишлаб турибди, – дейди тиббиёт маркази бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Низом Абдуллаев. – 52 нафар малакали шифокор ва 187 нафар ўрта тиббиёт ходими аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Марказимизнинг зарур тиббий жиҳозлар ҳамда янги ускуналар билан таъминлангани ташхисни аниқ қўйиш имконини бермоқда. Юқори малака ва технологиялар талаб қиладиган тиббий хизматлар кўлами ҳам кенгаймоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

"Пском" гидроэлектр станцияси:

# ЯНГИ ИННОВАЦИЯЛАР МАЙДОНИ

**Аҳоли ва истеъмолчиларга электр энергия етказиб беришда мамлакатимизда фаолият юритаётган гидроэлектр станцияларининг алоҳида ўрни бор. Шу сабабли, кейинги пайтда мазкур соҳа имкониятларини кенгайтириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.**

**"Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Пском дарёсида Пском ГЭСни қуриш" инвестиция лойиҳасининг татбиқ этилаётгани гидроэнергетика ривожидаги йирик ишлардан бири ҳисобланади.**

"Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Воҳиджон Аҳмаджонов ушбу лойиҳа аҳамияти ва қурилиш жараёнлари ҳақида ЎзА мухбирига интервью берди.

– Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Пском дарёсида Пском ГЭС қурилиши гидроэнергетика соҳаси бўйича юртимизда қурилаётган йирик мега лойиҳадир, – деди В. Аҳмаджонов. – Лойиҳани татбиқ этиш учун "Ўзбекгидроэнерго" АЖ раҳбарияти ташаббуси билан янгича ёндашув ва янги концепция асосида илғор замонавий технологиялар ва методлар жорий этилди. Мураккаб лойиҳа ишлари "Гидропроект" АЖ томонидан ишлаб чиқилган техник топшириққа асосан маҳаллий ва хорижий корхоналар мутахассислари белгиланган меъёрлар асосида қурилиш ишларини олиб бормоқда.

Шуни қайд этиш керакки, "Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Пском дарёсида Пском ГЭСни қуриш" инвестиция лойиҳаси доирасида қабул қилинган техник ечимлар Германиянинг "Tractebel Engineering GmbH" халқаро инжиниринг компанияси томонидан олинган ижобий хулосалар асосида ташкил этиляпти.

Биринчи босқичда амалга оширилиши белгиланган гидротехника иншоотлари, ер ости сув ўтказувчи туннеллар, ГЭС биноси ва 222 километр узунликдаги электр энергиясини узатиш тармоқлари ҳамда инфратузилма объектларини қуриш ишлари бажарилди. Жумладан, биринчи ярус сув қабул қилиш иншооти, 1288 метр узунликдаги сув ўтказувчи ер ости туннели, 1-2-агрегатларга сув олиб келувчи 285 метр ер ости туннели ва 2 дона сув ўтказувчи затворларни бошқариш иншооти барпо этилди. Дарёга сув ташлаш иншоотлари ҳамда ишчи-мутахассислар учун 80 ўринли 2 қаватли ётоқхона, 10 дона коттеж қуриб битказилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Танлов

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИБРАТЛИ ОИЛАСИ



**Куни кеча жаҳон миқёсида Халқаро оила куни нишонланди. Бу байрам БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1993 йил 20 сентябрдаги Халқаро оила йили тўғрисидаги резолюцияга мувофиқ 1994 йил 15 майдан буён мунтазам нишонланади.**

Айниқса, бизнинг юртимизда жамиятимизнинг гўзал урф-одатлари, миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз оилада шаклланиши билан бу кун янада аҳамиятлидир.

Олмалиқ шаҳридаги "Металлург" маданият саройида сана муносабати билан ўтказилган "Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ғолиблари тақдирланди.

(Давоми 2-саҳифада)

Бугун – Халқаро музейлар куни

# ТАРИХнинг "ТИРИК" ТИЛСИМЛАРИ

**1977 йилда Халқаро музейлар кенгашининг Бош конференцияси қарори билан "18 май – Халқаро музейлар куни" деб эълон қилинган. Бу кун мамлакатимизда ҳам кенг нишонланади.**



Жорий йил 26 апрелда Президентимиз бошчилигида ўтказилган видеоселекторда музейларни такомиллаштириш, моддий-техник базасини қайта кўриб чиқиш, ходимлар малакасини ошириш ҳақида сўз бориб, соҳани ривожлантириш бўйича бир қатор инновацион лойиҳалар ва уларнинг ечимларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ангрен шаҳар Ўлкашунослик музейи 1960 йил 21 сентябрда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунгача маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун хизмат қилиб келмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

# МАҲАЛЛА ИШОНЧИ – ЖУДА КАТТА ГАП

Жумладан, **ПИСКЕНТ тумани** 1-сектор ҳудудидаги “Файзобод” маҳалласида фуқаролар йиғини раиси сайлови уюшқоқлик билан ташкил этилди. Унда фуқаролар ўз маҳалласи келажагига дахлдорлик ҳисси билан фаол иштирок этишди.

* * *

**ЗАНГИОТА туманидаги** "Мевазор" маҳалласида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда жами 46 та кўчадан 290 нафар вакиллар иштирок этиши кутилган бўлиб, уларнинг 236 нафари сайловда қатнашди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

* * *

Сайловнинг дастлабки икки кунида **ЯНГИЙЎЛ шаҳрининг** 8 та маҳалласида жараён қизғин кечди. Аввал, маҳалла раислигига кўрсатилган номзодларнинг дастурлари тингланди. Шундан сўнг вакиллар ўзлари муносиб деб билган номзодга овоз беришди. Жараён шаффоф тарзда, ёпиқ овоз бериш йўли билан амалга оширилди.

* * *

**ОҲАНГАРОН туманидаги** маҳаллаларда бўлиб ўтган сайловлар ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди. 2-сектор ҳудудида жойлашган “Янгиобод” маҳалласида ўтказилган сайловда Абдураҳим Каримов номзоди сайловчиларнинг 67 фоиз овозини қўлга киритди.

* * *

**ОЛМАЛИҚ шаҳридаги** "Кимёгар" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам сайлов шаффоф тарзда ўтказилди. Маҳалла раислигига қўйилган 2 нафар номзод сайловчиларни 3 йиллик дастурлари билан таништиришди. Сайловчиларнинг 90 фоизи номзод – Акмал Кузиевни ёқлаб овоз берди.

* * *

**ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ туманидаги** 1-секторда жойлашган “Қизилсой” маҳалласидаги сайлов 30-мактаб биносида бўлди. Маҳаллада сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга аҳоли сони 2 минг 17 нафар бўлиб, улардан 242 нафар вакиллар сайловда иштирок этди.

* * *

**БЎСТОНЛИҚ туманидаги** “Бирлик” маҳалласи биносининг очиқ майдонида ўтган сайловда очиқлик ва шаффофлик сезилиб турди. Ишчи гуруҳ раиси Ш. Миртурсуновнинг таъкидлашича, сайлов ёшига етган аҳолининг 276 нафари вакил сифатида иштирок этиб, муносиб номзодга овоз беришди.

*Сайловлар ёпиқ овоз бериш тартибида ўтказилиб, фуқаролар ўз танловини эмин-эркин амалга оширишди. Жойларда бунинг учун барча шароит яратилган.*

*Вилоятнинг 90 га яқин маҳалласида фуқаролар йиғини раиси сайловлари бўлиб ўтди. Шунингдек, бошқа ҳудудларда ҳам сайловлар белгиланган график асосида ташкил этилмоқда.*

*Жойларда сайловлар 10 июнга қадар (ҳудудлар кесимида) давом этади.*



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИБРАТЛИ ОИЛАСИ

Маросимда Ўзбекистон Республикаси оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайҳо Маҳкамова, вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев сўзга чиқиб, Президентимизнинг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига биноан ташкил этилган кўрик-танловнинг оилаларни мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида тўхталишди.

Учта шарт бўйича ўтказилган танловда 1-ўрин Жуманазаровлар (Ўрта

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Чирчиқ тумани), 2-ўрин Қосимовлар (Бекобод шаҳри), 3-ўрин Холбаевлар (Олмалиқ шаҳри) оиласига насиб қилди.

Энди танловнинг Республика босқичида вилоятимиз номидан Ҳакимжон Жуманазаровлар оиласи қатнашади.

Ғолиблар эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирланишди.

Шунингдек, ташкилотчилар томонидан маҳаллалардаги нуроний отахон ва онахонларга “Олтин тўй”, “Кумуш тўй”лари муносабати билан эсдалик совғалари топширилди.

**Нигора ЎРОЛОВА**
**/Тошкент ҳақиқати/**

## “Псском” гидроэлектр станцияси:

# ЯНГИ ИННОВАЦИЯЛАР МАЙДОНИ

Шу билан бирга, 2021 йил 25 ноябрь куни Псском дарёсида “Тўғоннинг юқори сув тўсиш иншооти” қурилишини бошлаш учун дарё оқими беркитилиб, келаётган сувлар “биринчи ярус сув қабул қилиш иншооти” орқали яна дарёга йўналтирилди.

Лойиҳа доирасида тўғон узунлиги 200 метр ва пастки белгиси 983,00 метр юқори белгиси 1044,5 метр, яъни 61,5 метр баландликка эга бўлган “Тўғоннинг юқори сув тўсиш иншооти” қурилиши натижасида Псском дарёсида Псском сув омборининг бирламчи босқичига сув йиғиш имконияти яратилади.

Тўғоннинг юқори сув тўсиш иншооти 998,0 метр белгига қадар 10 метр чуқурликдан темир-бетон таянч тўсиқ билан кўтарилиб, темир-бетон ва тош оралиғидаги бўшлиқлар махсус цементли қоришма ёрдамида юқори босим остида тўлдирилиб чиқилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, мамлакатимизда гидротехника иншоотлари қурилиши тарихида биринчи маротаба соҳада хавфсизлик нуқтаи назаридан юқори чидамлиликка эга геокомпозит гидроизоляция маҳсулоти қўлланилишидир.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Италия давлатида ишлаб чиқарилган “КАРПИ” (CARPI) компаниясининг SIBELON® CNT 5900 UV геокомпозит гидроизоляция маҳсулоти ривожланган давлатларда кенг қўлланилади. У фильтрация сувларига қарши синтетик маҳсулот ҳисобланувчи юқори сифат даражасига эга. Мазкур геокомпозит гидроизоляция маҳсулоти тўғонининг юқори сув тўсиш иншоотидаги фильтрация жараёнларининг олдини олиш мақсадида фойдаланилади.

“Тўғоннинг юқори сув тўсиш иншооти”нинг 998,1 метрдан 1026,5 метргача бўлган оралиғининг қоплаш ишлари жорий йилнинг апрель ойида тўлиқ якунланди.

Шунингдек, биринчи ярус сув қабул қилиш иншооти олдида сув сатҳларини доимий равишда кузатиб бориш, сел ва тошқин сувлари таъсирида сув сатҳини кескин кўтарилишининг олдини олиб, 1-дарвозаларни бошқариш иншооти (КРЗ-1) орқали тошқин сувларини бошқариш мақсадида сув қабул қилиш иншоотига махсус электрон датчиклар ўрнатилиб, “онлайн” режимда мониторинг ва кузатувлар олиб борилмоқда. Дарвозаларни бошқариш иншооти биносидаги барча қурилмалар автоматик тизим асосида бошқариб борилмоқда.

Псском дарёсида тўғоннинг юқори сув тўсиш иншоотида олиб борилган қурилиш ишлари натижасида бугунги кунда сув сатҳи 1010 белгига кўтарилди. Бунинг натижасида тўғоннинг геокомпозит гидроизоляция маҳсулотлари билан қопланган махсус қисми ҳозирги кунда 9 метр сув остида. Бу мураккаб муҳандислик лойиҳасидаги ўз вақтида қабул қилинган конструктив ечим ва хулосаларнинг ижобий натижасидир.

Шунингдек, йирик қурилиш объектида мавжуд гидротехник иншоотларни хавфсиз ишлатилишини таъминлаш бўйича сел-тошқин сувларини беталафот ўтказиш чораларини кўриш, сув омборларидаги сув ҳисоб-китобини замонавий технологиялар асосида сув омборига сувнинг кириши, чиқиши ва кунлик мониторингини олиб бориш, назорат ўлчов қурилмалари кузатув натижаларини таҳлил этиб бориш мақсадида эксплуатация гуруҳи тузилган.

Мухтасар айтганда, ушбу лойиҳаларнинг амалдаги ижроси мамлакатимиздаги мавжуд сув омборларини қуриш ва модернизация қилишда катта тажриба бўлади. Янги технологиялар ва инновациялардан самарали фойдаланиш келгуси ишлар учун пухта замин яратади.

**ЎзА**

# ТОҒЛИ ҲУДУДЛАРГА ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА

**Аҳолини бир маромда табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш, мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш йўлидаги ҳаракатлар изчил давом этмоқда.**

## Хизмат

Биргина вилоятнинг Бўстонлиқ туманида бугун 35 мингдан зиёд истеъмолчига "Ҳудудгаз Тошкент" газ таъминоти филиали ходимлари томонидан сифатли хизмат кўрсатиб келинади.

Бугун туманнинг 7 минг 697 та хонадони суюлтирилган газдан фойдаланади. Энг олис манзиллар “Узун” , “Янги қўрғон” , “Сижжак”, “Нанай” маҳаллалари, шунингдек, чекка тоғли ҳудуд саналган 78 та хонадондан иборат "Испай" қишлоғи аҳолисига ҳам узлуксиз газ баллонлари тарқатилмоқда. Биргина апрель ойининг ўзида мазкур қишлоққа 2 тонна суюлтирилган газ ҳажмлари махсус транспортларда етказиб берилди.

Бўстонлиқ туманидаги суюлтирилган газ билан таъминланадиган истеъмолчиларга Чирчиқ шаҳридаги “Чирчиқ газ тўлдириш станцияси” томонидан хизмат кўрсатилади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, истеъмолчиларни белгиланган муддатларда узлуксиз суюлтирилган газ билан таъминлаш, аҳоли ва газ таъминоти ташкилотлари ўртасидаги англашилмовчиликларнинг олдини олиш, замонавий технологияларни татбиқ этган ҳолда қулайликлар яратиш мақсадида, бугунги кунда мазкур қишлоқ аҳли "Ҳудудгаз Тошкент" ГТФ томонидан татбиқ этилган ID карталардан фойдаланмоқда.

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА, МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС

## соғлиқни сақлашда ҳал қилувчи омил

Дарҳақиқат, беморни даволашнинг самарасини, аввало, тўғри ташхис белгилайди. Бугунги замонавий тиббиётга кириб келган илғор технологиялар касалликларга тўғри ташхис қўйиш ва даволашда қўл келяпти. Мисол учун, Президентимизнинг 2021 йил 4 октябрдаги “Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида тиббиёт марказига соясиз операцион лампа, лапароскоп ва наркоз ускуналари, яримавтоматик биокимё анализатори, ультратовушли скальпель, катта жарроҳлик жамланмаси, электр дефибриллятор ускуналари келтирилди. Бунинг учун жами 2 млрд. 238 млн. сўм маблағ сарф этилди. Марказга яна нафас йўли ва қизилўнгачни текширадиган ускуна олиб келиш ҳам режалаштирилган.

Бу ускуналарнинг афзалликлари кўп. Масалан, биокимё анализатори ёрдамида бир нечта турдаги қон таҳлиллари амалга оширилади. Авваллари бу жараён бир нечта босқичда бажарилар эди. Ультратовушли скальпель эса бир вақтнинг ўзида икки вазифани бажаради: ҳам тўқималарни кесади, ҳам қонни тўхтатади. Бунда атрофдаги тўқималарнинг куйиш хавфи камаяди ва кам жароҳат етказилади. Лапароскопик ускуна ёрдамида эса кичик жароҳатли операциялар амалга оширилади. Тиббиёт марказида бўлган кунимиз бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик.

– Лапароскопик ускуна ёрдамида 10 га яқин жарроҳлик амалиётларини ўтказиш мумкин, – дейди жарроҳлик бўлими мудири Қобил Тожибоев. – Бугун бу ускуна ёрдамида Янгийўл туманидан келган беморимизда жарроҳлик амалиётини ўтказамиз. Унга ўт-тош, сурункали тошли холецистит касаллиги ташхиси қўйилган бўлиб, шу ускуна ёрдамида бор-йўғи 4 та ингичка тешик очиб ўт қопи олиб ташланади. Бундан олдин ҳам бир нечта беморда ускуна ёрдамида ўт қопи ва бўғимларда жарроҳлик амалиётлари бажарилди ва ҳозир уларнинг аҳволи яхши. Бу каби амалиёт-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

лар вилоят тарихида илк маротаба ўтказилгани билан аҳамиятли. Ускунанинг имкониятидан тўлиқ фойдаланишни ўзлаштириш мақсадида республика шифохоналарида ходимларимизнинг малакаласини ошириш йўлга қўйилди.

Сир эмас, яқингача "Урология йўналишида энг мураккаб касалликларни ҳам самарали даволай олиш имкониятига эга давлатлар қайси?" деган савол ўртага ташланса, Германия, Италия ва АҚШ тилга олинарди. Бугун улар қаторида Ўзбекистон номи ҳам эътироф этиляпти. Сабаби, илғор мамлакатлар тиббиётида жорий қилинган даволашнинг деярли барча замонавий усуллари эндиликда ўзимизда ҳам мавжуд.

– Маълумки, ҳар қандай соҳа, айниқса, тиббиёт истиқболи кадрлар салоҳиятига боғлиқ, – дейди урология бўлими бошлиғи, вилоят бош урологи Ҳамидулла Исроилов. – Гарчи, энг замонавий ускуналар, сўнгги технологиялар ёрдамидан фойдаланиш имконияти бўлсаю, уларни самарали қўллашга малака етарли бўлмаса, кутилган натижага эришилмайди. Шунинг учун ҳам бўлимимизга Қрим автоном республикаси тиббиёт академиясини тамомлаган Фарҳод Ўрмонов ишга олинди. Шунингдек, шифокор Абдувоҳид Султонов кам жароҳат етказиш йўли билан жарроҳлик амалиётларини ўтказиш бўйича Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказида ўқитилди. Аброр Абдурашидов эса урологияда лапароскопияни қўллаш бўйича малакасини оширмоқда. Шу каби малакали мутахассислар билан бўлимимизда анъанавий усулдаги барча жарроҳлик амалиётларини ўтказяпмиз.

Тиббиёт марказининг нефрология ва ва гемодиализ бўлими фаолияти билан ҳам танишдик. Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда буйрак етишмовчилиги билан касалланган беморларни даволаш, соғлом ҳаётга қайтариш масаласи долзарб бўлиб турибди.

– Бу касаллик тўсатдан, айримларда секин-аста рўй беради, – дейди нефрология ва гемодиализ бўлими бошлиғи Ботир Эгамбердиев. – Кўп қон йўқотиш, механик шикастланиш туфайли қон босимининг тушиб кетиши, беморнинг қон гуруҳига мос келмайдиган қон қуйиш, ток уриши, септик аборт, дорилар ва металл тузлардан заҳарланиш оқибатида буйрак шикастланиши, сийдик йўлининг ўсма ёки буйрак тошлари билан беркилиб қолиши, иккала буйракнинг зарарланиши ўткир буйрак етишмовчилигига сабаб бўлади. Бундай касалликка чалинган беморлар доимий равишда гемодиализ олишга мажбурлар.

Гемодиализ – бу қонни организмдан чиқариб фильтрлаш деган маънони англатади. Бунда қон “сунъий буйрак” ускунаси ёрдамида тозаланади ва беморга қайта қуйилади.

Нефрология ва гемодиализ бўлимида "сунъий буйрак" ускунаси 10 та бўлиб, вилоятдаги ўткир буйрак етишмовчилигидан азият чекаётган беморларни даволашда жуда қўл келмоқда. 10 ўринли бўлимда 187 нафар беморга навбатма-навбат тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда вилоятнинг 5 та ҳудуди: Хонобод филиали, Чирчиқ, Олмалиқ, Янгийўл ва Бекобод шаҳарларида гемодиализ станциялари ташкил этилди. Айни кунда вилоят бўйича 65 та гемодиализ ускунаси ишламоқда.

Айтишларича, бўлимни кўп йиллардан бери электр муаммоси қийнаб келарди. Ток бир ўчса 3-4 соатлаб бўлмас, навбати келган беморлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келаётган эди. Яқинда бу муаммога барҳам берилди. Яъни, бўлим учун алоҳида генератор ўрнатилди. Энди свет ўчса ҳам генератор орқали электр ўтаверади. Беморлар ўз вақтида муолажасини олади. Раҳбариятнинг айтишича, асосий бино учун ҳам генераторга буюртма берилган.

Янгиликлардан яна бири, эҳтиёжманд аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича очиқ ва шаффоф тизимга ўтилди. Энди ихтисослашган марказларда бепул даволанадиган касалликлар рўйхати шакллантирилиб, тиббий ёрдам учун йўлланма ҳақиқий эҳтиёжи бор аҳолига “электрон навбат” асосида берилмоқда.



Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази қошидаги консультатив диагностика поликлиникаси орқали урология, жарроҳлик, нефрология, травматология, терапия, нейрожарроҳлик йўналишлари бўйича “электрон ордер” тизими йўлга қуйилди.

Айтиш жоизки, тиббиёт марказида қисқа муддатда катта ўзгаришлар бўлди. Президент қарорига асосан 7 турдаги тиббий ускуналар келтирилди. Бинонинг фасад қисми таъмирланди. Жарроҳлик хоналари ҳомийларнинг ёрдами билан қайта реконструкция қилинди. Неча йиллардан буён ёқиб келинаётган тиббий чиқиндилар энди шартнома асосида олиб кетилмоқда. Беморлар аутсорсинг тизимида овқатлантирилмоқда.

Лекин, марказда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, жой етишмаслиги. Яъни кўп тармоқли тиббиёт маркази аслида 350 – 400 ўринли бўлиши керак. Бугун бино етишмаслиги сабабли марказда қон-томир, кўкрак қафас, юз-жағ жарроҳлиги, гематология, пульмонология, неврология хизматлари йўқ. Ўпкани рентген қилишда эса 1972 йилда ишлаб чиқарилган ускунадан фойдаланиляпти. Ушбу ускуна тасвирни тиниқ чиқариб беролмаслиги сабабли беморлар хусусий шифохоналарга мурожаат қилишга мажбур бўлишмоқда. Ана шу муаммолар бартараф этилса, хизмат сифати янада ошган, яна кўплаб беморларнинг дардига шифо топилган бўлар эди.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: “Бугун соҳадаги ютуқни – ютуқ, камчиликни – камчилик деб айтиб, тизимдаги “касалликлар”га тўғри диагноз қўйиб, уларнинг давосини топишга ҳаракат қилишимиз зарур.”

Албатта, кечаги тиббиёт билан бугунгисини солиштириб бўлмайди. Чунки даволаш, ташхис қўйишда янги тадқиқотлар, илғор тажрибалар натижалари амалиётга шиддат билан кириб келмоқда. Шунга монанд, касалликлар тури ва кўринишлари ҳам ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай шароитда ўқиб-изланишдан, ҳаракатдан тўхтамаслик керак. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига бир кунлик сафаримиз давомида муассаса жамоаси ана шу ҳақиқатни теран англашини ҳис қилдик.

Аниқроғи, давлатимиз раҳбарининг : “Биз халқимиз саломатлиги учун ҳар қанча маблағ ва куч-имконият сарфлашга тайёрмиз. Шахсан мен учун халқимиз саломатлиги ҳамма нарсадан устун ва қадрли. Лекин соҳага ажратилаётган маблағлардан тўғри фойдаланиляптими? Мени шу савол кўп ўйлантиради. Соҳа раҳбарлари ҳар бир сўмнинг қадрига етиши, уларнинг самарасини одамларимиз ўз ҳаётида ҳис этиши лозим”, деган сўзлари марказ раҳбарияти учун дастуриламал бўлганини кўрдик. Ажратилган маблағлар тўғри йўналтирилганлиги сабабли, бугун муассасага даво истаб келганлар уйларига мамнун ҳолда қайтишмоқда.

***Таҳририятдан:** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, инсон саломатлиги 19 фоиз ташқи муҳитга, 20 фоиз генетик омилларга, 9 фоиз соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва 52 фоиз турмуш тарзига боғлиқ экан. Бундан келиб чиқадики, касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўя олсак, кўплаб касалликлар келиб чиқишининг олдини оламиз. Хулоса эса ўзингиздан.*

**Нозима РАСУЛОВА**
**/Тошкент ҳақиқати/**

*Аброр ЭСОНОВ олган суратлар*

*Шундай асарлар бўладики, уни ўқиб тугатар экансан, ичингда нимадир ўзгарганини, энди олдингидай бўлолмаслигингни сезасан. Нимадир дегинг, нималарнидир ёзгинг келадию, қийналасан.*

## Мутолаа

# Ҳар кўнгилнинг ЎЗ ҚИЁМАТИ

Чингиз Айтматов, "Қиёмат". Инсон ўзини қанчалик оқламасин, ич-ичидан гуноҳкор эканлигини билади ва бутун инсоният бир куни ўз қилмишлари учун жавоб беришига ишонади. Ёзувчи асарда сайғоқлар қириб ташланаётганда, қамишзорга ўт қўйилганда, Авдий калтакланаётганда бунинг қиёматдан нимаси кам, дейди. Давлатлар давлатлар билан, салтанатлар салтанатлар билан, одамлар одамлар билан келишолмаслиги-чи?

Адиб манзаралардан руҳий оламга кўчади. Авдий учун ёш болаларни наша оламига киргани – қиёмат, бўри Акбара учун болаларининг сўнгги исини олган жой – Бўстоннинг уйи – қиёмат – дунёнинг охири. Охирида эса ҳаммаси бирлашиб, Бўстоннинг қиёмати.

Ёзувчи Исо ва Авдий тилидан айтадики, Худо инсоннинг ўзида, унинг онгида. Ҳар одамнинг жаннати ҳам, дўзахи ҳам, қиёмати ҳам ўзи билан. Асардаги тагига чизиладиган гаплар, жамиятдаги муаммолар, дин, сиёсат ҳақидаги қарашлар, бутун инсоният бошидаги муаммоларга ёндашувлар кўп. Лекин воқеалар ривожи шундай кетадики, ундаги қаҳрамонлар билан яшайсан ва қолганини ўйлагинг, улар ҳақида ёзгинг келмайди.

Асарда кульминациялар кўп.

Биринчиси – Гурам Жўхадзе енгилиб, тонггача юрти билан видолашув қўшиқларини айтиб, ўлдирилиши. Кейин қотил ҳам ўзини ўзи ўлдириши. Ҳаммасига ўша қўшиқлар сабаб бўлгандир.

Иккинчиси – мастлар калтаклаб ўлдираётганда Авдийнинг "Бўрижон, ёрдам бер" дейишию ўлими олдидан унга тикилиб турган Акбарага қараб "Келдингми?.." деб жони узилиши.

Учинчиси – довонда Эрназар ўлганидан кейин Бўстон Кўк тангрига "Шуми дуоларимизни эшитганинг, шуми ёрдаминг, булардан кейин энди сен ким бўлдинг?" дейиши.




Тўртинчиси – Акбаранинг Тошчайнар қабри устида тонг оттириши.

Шунча гапдан кейин бўлди, бундан ортиқ аянчли якун йўқ дейсану лекин китоб варақлари ҳали тугамаган бўлади.

Охирги кульминация Акбаранинг, Кенжанинг ўлими эмас. Ҳаммаси тугагандан кейин Бўстоннинг отини қучоқлаб "... мени фақат сен тушунасан" деб ўкраб йиғлаши. У ҳам Авдий каби инсонлардан жабр кўриб, жонзотлардан умид қилиши. Унинг ичидаги бўшлиқ, унинг ичидаги қиёмати.

Асардан иқтибослар:

*"Дунё сенга ўз айтганини қилдиради..."*

*"Ҳамма нарсанинг жазоси бор. Яшаганнинг жазоси ўлим..."*

*"Бугун ҳаётни қандай бўлса, шундай қабул қиласан. Аммо эртани, албатта, бошқача кўришни хоҳлайсан. Бугун яхши яшаб турган бўлсанг ҳам, бари бир, эртага ундан яхши бўлсин, дейсан..."*

*"Мунажжим сон-саноқсиз юлдузлар ичидан мана шундай ўз юлдузини топади. Лекин бехабар одамларга барча юлдузлар мутлақо бир хил бўлиб кўринади..."*

*"Одамлар тақдирни, тақдир одамларни излаб юради. Ҳаётнинг азал айланиши шундай..."*

# Тиниқ кузнинг маъюс эртаги

***"Ўша йили куз шундай тиниқ, шундай маъюс келгандики, беихтиёр одамнинг йиғлагиси келарди..."***

***Хайриддин Султоннинг "Кўнгил озодадур" қиссаси шундай бошланади. Шу пайтгача кузнинг бундан чиройли таърифини кўрмадим. Адиб шу қадар яхши ёзадики, бадиий адабиёт ўқиётгандай эмас, ўша воқеаларни яшаётгандай бўласиз. Кулгули жойида овоз чиқариб куласиз, ғамбода жойида томоғингизга нимарса тиқилиб, анча пайтгача кетмайди.***

Асарда бош қаҳрамон исми Ғулом деб танланиши ҳам бежиз эмас. Ғулом – қул. Бу ғулом-ку кўнгил қули, лекин нафснинг қуллари кўнгил қулларига ҳар доим ҳақиқий қулдай муомалада бўлишади. Кўнглингдаги инжа туйғуларинг билан бу тўпори оломон ичида яшаш учун журъат ҳам керак. Андишасизлик ҳам керак. Исён ҳам керак. Лекин на қилсанг қил, қабоҳатда улар билан тенг бўлолмайсан озода кўнглинг билан...




Ғулом айтгани каби, бу бир ғариб ишқ қиссаси эди. У одамизот ўрмони ичра фариштамисол бир қизни учратади. Кўнгил одамларининг умри эса фақатгина муҳаббатдан маъно касб этади. Истайдики, унинг маъсум чеҳрасига ҳеч қачон, ҳеч вақт на ташвиш, на ғам-койиш кўланка солмаса, оқ, оппоқ кўйлагига ҳеч қачон, ҳеч вақт бир доғ тушмаса...

Мартин Иден ҳам Руфни илк таниган чоғларида наҳот шу хилқат ҳам ҳаммага ўхшаб овқат еса, ҳаммага ўхшаб ётиб-турса, деб ўйлайди. Кўнгил одамлари назокатни шу қадар ҳис қилишадики, севган қизларининг қўлиданда ушлашнинг ўзи уни ранжитиши мумкин деб, уни кўз қорачиғидай асраб, ярашмайдиган ҳеч нарсани раво кўришмайди. Лекин бир бешафқат шеърда айтилганидай:

*Покиза деб лаб теккизмай, оҳ,*
*Дилда сақлаб юрганинг сувга.*
*Оёқларин ювди бир гумроҳ,*
*Балки бундан аввал ҳам ювган...*

*Энди сенинг икки йўлинг бор,*
*Афзал билиб кўзинг юммоқни.*
*Ҳамон пок деб сувни ичгин ё*
*Бориб ўлдир ўша гумроҳни...*

У бир гавҳари асл эди, дейди Ғулом. Тақдири азалда эса ғуломлар манглайига ҳеч вақт бундоғ давлат битмаган экан – бу марварид гул менга насиб этмади.

Олманинг яхшисини эшак ейди, дейдилару, бироқ, баъзан бу беихтиёр, кўп ҳолларда эса "олма"нинг айби билан бўлади. Статуссимон бир гап бор эди, мен сени томчидан қизғаниб юрибману, сен ёмғирлар остида шалаббо бўлган экансан...

Асардан иқтибос:

"Эй, бахтиқаро, бадбахт қиз! Отанг ўлганми сенинг? Отанг ўлган бўлса, онанг ҳам ўлганми? Ота-онанг ўлган бўлса, ака-уканг ҳам ўлганми? Ака-уканг ҳам ўлган бўлса, ор-номусинг ҳам ўлганми? Озод аёл бўлиб, қишлоғингдан шу умидда келибмидинг? Худобехабар онанг, гўл, ландавур отанг, эҳтимол, ўлмагандир, қизим отин бўлиб келади, деб шишиниб юргандир! Шубҳасиз, бир куни отин бўлурсан – қариганингда!.."

Ғулом муҳаббатда ҳам, илмда ҳам соф эди. Диссертациясида ҳам бугунги кундаги каби "Офарин Бийроннинг эжодида инқилобий қаҳрамон эволюцияси" деган мавзуларни эмас, саломни қуюқ қилмагани учун ишини орқага сураётган илмий раҳбари таъбири билан айтганда "тарихан чекланган" Гулханийнинг "Зарбулмасал"и устида ишлайди. Ғуломнинг ўзи айтмоқчи, эҳ, Муҳаммад Шариф Гулханий, ростдан ҳам тарихан чекланган экансиз. Сиз кулгига, танқид остига олган Ёдгор пўстиндўзлару, Муҳаммад Юсуфбой деган содда одамларни бугунги шайтонлар билан солиштирса бошидан сув ўгириб ичса арзийди.

Асарда бот-бот ёнаётган хазонлар тасвири келаверади, келаверади. Бу дунёсида қанчадан қанча озода кўнгиллар куйиб кетганигаю кетаётганига ишорадир бу балки...

Мана бу тасвир шундан далолатдек:

"Ҳавода аччиқ куйинди ҳиди иси келади. Чамаси, ҳануз яқин-атрофда хазон ёқилмоқда. Хазон бўлган япроқ ҳам кўп экан-да, ҳали-ҳамон ёқиб адо қилишолмайди".

Куйган кўнгилга-ку кўндик. Муҳими, кирланмасин.

*Кўнгил озодадур, дунёға арзу*
*эҳтиёж этмас...*

**Илҳом САЛИМОВ,**
**ЎзМУ магистранти**

## Бугун – Халқаро музейлар куни



# ТАРИХнинг "ТИРИК" ТИЛСИМЛАРИ

Музей илк фаолиятини эски шаҳарнинг маркази бўлган "Соцгород"нинг эски биносида бошлаган бўлиб, даставвал, унда кўргазма учун учта зал: геология, тарихий археология ва табиатшунослик бўлимлари ташкил этилган.

1974 йилда музей "Янги шаҳар" ҳудудига кўчирилиб, ўз фаолиятини мослаштирилган янги бинода давом эттирган.

2019 йил 21 августдан Ўлкашунослик музейи Ангрен шаҳар тарихи музейи деб қайта номланиб, "Табиат", "Тарих", "Этнография ва тасвирий санъат" бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди. Ҳар бир бўлимдаги экспонатлар ҳамда кўргазмалар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, музейнинг экспозиция заллари ҳамда экспонатларини интернет тармоғига жойлаштириш ва дунё миқёсида кенг томошабинга эга бўлиш мақсадида рақамлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда йигирма беш мингдан зиёд экспонатлар республика музейларининг ягона электрон базасига жойлаштирилган. Эндиликда музей экспонатлари ҳақидаги маълумотлар билан www.goskatalog.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Бундан ташқари, музей фондида сақланаётган барча нодир экспонатларнинг электрон каталоги яратилиб, рақамлаштирилди ва 1 томлик альбом яратилди. Айни дамда музей фондида ўттиз етти мингдан ортиқ экспонатлар сақланади. Тарихнинг турли давр ва босқичларини акс эттирган бу экспонатларнинг аксарияти шаҳримиз фуқаролари томонидан, шунингдек, Ангренга туташ шаҳар ва туманлардан ҳадя этилгани билан аҳамиятлидир. Бу экспонатлар археология, рассомчилик, графика, ҳайкалтарошлик, амалий санъат асарлари, нумизматика, этнография, фотосуратлар, ҳужжатлар ҳамда бошқа турдаги моддий ва маданий, тарихий аслиятни ўзида мужассам этганлиги билан қадрлидир.

Қувонарлиси, ҳар йили йигирма мингдан ортиқ хорижий ва маҳаллий томошабинлар музей билан танишадилар. Ходимлар томонидан уларга икки тилда экскурсия хизматлари кўрсатилади. Бундан ташқари, режа асосида ҳар йили ўттиздан ортиқ кўчма ва хайрия кўргазмалари, "Тунгги музей" лойиҳалари ташкил этилмоқда.

Жорий йилда ташкил этилганининг 62 йиллигини нишонлаётган музейимиз ташриф буюрувчилар, айниқса, ёш авлодда халқимизнинг бой моддий ва маънавий меросига ворислик руҳини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

**Муқаддам БЕГМУРАДОВА,**
**Ангрен шаҳар тарихи музейи директори**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

## Дарвоқе

# ХАРИДОР ЧЕКНИ ОЛМАСА, ТАДБИРКОР ЖАРИМА ТЎЛАЙДИМИ?



**Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда тадбиркорлар томонидан бир турдаги шикоятлар кўпайди, яъни улар чекни беради, аммо харидор қасддан, атайлаб чекни олишдан бош тортади ва кўчага чиқиб, "менга чек бермади", деб солиққа хабар қилади. Бошқача айтганда туҳматчилар кўпайгани, бунақа ёлғон хабарлар ортидан тадбиркорлар жарима тўлаётгани ёзилмоқда.**

### *Хўш, аслида вазият қандай?*

Давлат Солиқ қўмитасининг берган маълумотига кўра, агар тадбиркор ҳақиқатда чек берса, харидор ўша чекни олган ёки олишдан бош тортганидан қатъи назар, жаримага тортилмайди. Чунки чиқарилган чек базада сақланиб қолади ва исталган пайт буни исботлаш мумкин. Шунингдек, битта тадбиркорни жаримага тортиш учун 3 босқичли қайта-қайта текширув ўтказилади, ҳеч ким ўзидан-ўзи битта ёлғон қўнғироққа ишониб, тадбиркорни жаримага тортмайди, дейилади ДСҚ хабарида.

Унутманг: жарима чек чиқарилмагани учун қўлланилади, харидор чекни олмагани учун эмас. Бу оддий мантиқ.

Бундан ташқари, бугунги кунда деярли ҳар бир савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарида видеокамералар ўрнатилган, шу сабабли тадбиркор ўзининг ҳақлигини жуда осон исботлаб бера олади.

Демак, хулоса шундаки, тадбиркорлар ростдан қонунларга бўйсуниб, чек бериб, солиқлардан қочмасдан ҳалол ишлаётган бўлса, бунақа ёлғончилардан қўрқмаса ҳам бўлади. Мабодо 1-2 та ҳолатларда ноҳақ айбланган бўлса, унда бемалол тегишли суд тартибида буни бекор қилиш мумкин.

**Таклиф:** агар айрим виждонсиз харидорлар чекни атайлаб олмасдан, ёлғон хабар бераётган бўлса, унда видеоёзувлар буни исботлаган тақдирда, ўша харидорларни туҳмат қилиш моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш керак. Токи бу бошқаларга ҳам дарс бўлсин. Калтак фақат тадбиркор бошида эмас, ёлғончи харидор бошида ҳам синиши керак. Ўйин қоидалари икки томонга тенг бўлсин.

Аммо шу ўринда яна бошқа гап. Юртимизда бунақа ёлғон хабар берувчи виждонсиз харидорлар сони чек бермасдан, ноқонуний савдо қиладиган тадбиркорлар сонидан юз баробар, балки минг баробарга кам. Яъни, чек бермаслик ва солиқдан қочиш муаммоси аслида жуда катта. Лекин бу пул учун ёлғон хабар бериш, кимгадир туҳмат қилишни оқламайди.

Яна бир гап: тадбиркорларнинг мурожаатларида онлайн назорат касса машиналарининг яхши ишламаслиги, тез-тез техник носозлик юзага келиши, шу сабабли ҳам кўпинча ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатда харидорга чек бера олишмаётгани, шунингдек, ушбу онлайн-НКМ нархи асл таннархидан анча қимматга сотилиши, касса машиналари учун монополия ўрнатилгани, тадбиркорлар фақат битта жойдан сотиб олишга мажбурлиги ҳақида ҳам мурожаатлар кўп. Вазият тўлақонли холисона ўрганилиши учун Солиқ қўмитаси масаланинг шу томонига ҳам изоҳ бериши мақсадга мувофиқ бўларди.

**Xushnudbek.uz**

**Савол:**

## Бу йил тест топшириш учун абитуриентларда фақат ID карта бўлиши керакми?

**Жавоб:**

## Йўқ, биометрик паспорт ҳам бўлаверади.

**Халқ таълими вазирлигининг эндигина 16 ёшга тўлган битирувчи ўқувчиларга ID карта олиш кераклиги ҳақида тарқатган маълумотидан сўнг, кўпчилик буни нотўғри талқин қилибди, деб ёзмоқда ҳуқуқшунос Хушнуд Худойбердиев.**

Яъни, айримлар бошқа абитуриентлар ҳам ID карта олиши шарт, биометрик яшил паспорт билан бу йил тестга кириб бўлмас экан, деган гапларни тарқатишмоқда. Аммо бу гаплар мутлақо нотўғри.

Тестга кириш учун шахсни тасдиқловчи исталган ҳужжатдан бири – ёки биометрик паспорт, ёки ID карта бўлиши керак. Биометрик паспорти борлар ID картага алмаштириши шарт эмас.

Шунчаки, 2022 йилда 16 ёшга тўлган мактаб ўқувчилари фақат ID карта олишлари мумкин, чунки ҳозир биометрик паспорт берилмаяпти. Шу сабабли мана шундай нотўғри гап тарқалиб кетган бўлса керак.

## Рассом хандаси






# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**давлат хусусий шерикчилик асосида 400 ўринли талабалар тураржойини қуриш учун тадбиркорларни давлат хусусий шерикчилик шартлари асосида ҳамкорликка таклиф этади ҳамда талабгор-тадбиркорлар томонидан келиб тушган таклифлар асосида ўрнатилган тартибда танлов ўтказилишини маълум қилади.**

**Давлат хусусий шерикчилик шартлари:**

1. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳудудида 400 ўринли 6 қаватли талабалар тураржойи биносини давлат хусусий шериклик шартлари асосида қуриш.
2. Талабалар тураржойи биносининг қурилиши тўлиқ тадбиркор томонидан молиялаштирилади.
3. Давлат хусусий шерикликни тартибга солувчи амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида тадбиркорларга тегишли имтиёзлардан (субсидия ва бошқалар) фойдаланиш имконияти тақдим этилади.

**Қурилиш муддати – 2022 йил 31 декабргача.**

Тадбиркорларни ТТЖ қуриш бўйича давлат хусусий шерикчилик шартлари асосида ҳамкорликка таклиф қиламиз.

## Эълонлар

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2022 йил 20 апрелдаги 29 (13486) – сонида чоп этилган 2022 йилнинг 27 май куни Тошкент вилояти ҳудудидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва вилоят ичи шаҳарлараро йўналишларни бириктириш бўйича электрон тарзда очиқ тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълондаги:

"Тошкент вилояти ҳудудидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва вилоят ичи шаҳарлараро йўналишларни бириктириш бўйича электрон тарзда 2022 йил 27 май соат 14:00 да ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ" жумласи "Тошкент вилояти ҳудудидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва вилоят ичи шаҳарлараро йўналишларни бириктириш бўйича электрон тарзда 2022 йил 31 май соат 14:00 да ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ" деб, шунингдек;

"2022 йил 26 май соат 14:00 гача ўз тендер таклифларини ахборот тизими (e-tender.uztrans.uz) орқали тақдим этиш шарт" жумласи "2022 йил 30 май соат 14:00 гача ўз тендер таклифларини ахборот тизими (e-tender.uztrans.uz) орқали тақдим этиш шарт" деб ўқилсин.

**Тошкент вилояти транспорт бошқармаси**

Тошкент вилояти Чиноз суғурта марказига бириктирилган А-4 № 018987 сонли полис қоғози йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юқори Чирчиқ тумани, Тинчлик ҚФЙ, "Бирлик" маҳалласида жойлашган "EHSAN MAYBOD MANUFACTURING GROUP" МЧЖ хорижий корхонасига тегишли (11:14:02:01:04:0002) кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# ЭПЛИ АЁЛДА ЭЛЛИК ФАЗИЛАТ



**Аёлнинг қирқта жони бор дейишади. Кам эмасми? Балки юстадир. Уй-рўзғор ишлари, бола парвариши, меҳмон кутиш, борди-келди каби қатор кўзга кўринмас юмушлардан ортиб, рўзғорининг "ғор"ини тўлдиришдаги хизматлари ҳам кам эмас.**



## Файзли хонадон

Тошкент туманининг "Чувалачи" маҳалласидаги Аваз Абдуллаев хонадонига қадам қўйишингиз билан ҳовлидаги саранжом-саришталикни, орасталикни кўриб, бу ерда уч оила бир этак болалари билан яшаётганига ишонгингиз келмайди. Ҳовлининг бир тарафида қатор қилиб экилган турли мевали дарахтлар ҳосилини кўз-кўз қилаётган бўлса, томорқанинг этагидан паррандаларнинг товуши эшитилади.

– Бизнинг семиз товуқларимиз бор, – дейди атрофимизда парвона бўлаётган икки кичкинтойнинг каттароғи. – Уларни ўзимиз боқамиз...

Бу хонадонда турли юмушлар билан банд катталардан кичиклар ҳам ўрнак олиб, болалигидан меҳнатга ўрганишмоқда.

Оиланинг 2,7 сотих майдондаги иссиқхонасига бир пайтлар гул, помидор, бодринг экилиб, даромад олинган бўлса, ўтган йилдан бошлаб қулупнайчиликка қўл урипди. Дастлабки уриниш чакки бўлмади. Мана бир ойдирки, пишиб етилган ҳосил пешма-пеш терилиб, бозорларга жўнатилмоқда.

– Қулупнай етиштиришнинг "тил"ини энди ўрганяпмиз, – дейди хонадон бекаси Ҳусния ая. – Меҳнати анча оғир, лекин даромади яхши экан. Икки келинимни ёнимга олиб, баравар ишлаймиз. Бўш вақтимиз йўқ ҳисоб. Қанча кўп меҳнат қилсак, ҳам соғлиғимизга, ҳам оиламиз бюджетига фойда.

Ҳусния ая ва келинларининг яна бир "бизнеслари" бор экан. Улар бундан уч йил олдин кредитга учта тикув машинаси олиб, буюртмага турли хил дастурхонлар тикишни йўлга қўйишган экан. Бичувчи Ҳусния аянинг ўзи, ҳам Гулинур келини билан иккови тикишади, Ферузахон эса чиройли қилиб қадоқлайди. Улар бу билан чегараланмай, турли либослар тикишни ҳам йўлга қўйишибди. Буюртмалар кундан-кунга кўпаяётганига қараганда, чоклари тоза, харидорлар мамнун.

Биз бу хонадондаги аёлларнинг чеҳрасида ўз ҳаётидан, меҳнатидан мамнунлик, бахтиёрлик изларини кўрдик.

**Нозима РАСУЛОВА**
**/Тошкент ҳақиқати/**
*Бахтиёр ҲИДОЯТОВ*
*олган суратлар*

Таълим

# Қадамжоларга саёҳат

**Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади ҳар томонлама баркамол инсонларни тарбиялашдан иборат. Президентимиз томонидан алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар ҳам соғлом тенгдошлари қаторида ўзлари учун яратилган имкониятлардан фойдаланишга, инклюзив таълим шароитида таълим-тарбия олишга, ҳаётда ўз ўрниларини топишга ҳақли экани таъкидланиб, бу борада бир қанча қарорлар қабул қилинмоқда.**

Тошкент вилояти прокурори Салом Самадов ташаббуси билан Оҳангарон шаҳар 7-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб ўқувчилари Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳатга боришди. Саёҳат имконияти чекланган болаларнинг алоҳида хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташкил этилди.

Саёҳат Бухоро вилоятининг қадимий "7 пир зиёратгоҳи"дан бошланди. Ўқувчилар Лаби-Ҳовуз ва Арк қалъасини яқиндан томоша қилиб, ўзгача таассуротлар олишди.

Иккинчи куни саёҳатимиз Самарқанд шаҳрида давом этди. Дастлаб биринчи Президентимиз Ислом Каримов дафн этилган Ҳазрат Хизр масжиди мажмуасида қурилган мақбара зиёрат қилинди. Сўнгра болалар Бибихоним мадрасаси билан яқиндан танишишди. XIV аср охирида қурилган, пештоғи жуда маҳобатли ва баланд гумбаздан иборат мажмуадан таъсирланган ўқувчилар унинг суратини чизишларини айтишди.

**Феруза ЙЎЛДОШЕВА,**
**Оҳангарон шаҳар 7-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб ўқитувчиси**

# ЎҚУВЧИЛАР ИЖОД МАКТАБИДА



**Бекобод шаҳридаги 3- ва 16-умумтаълим мактабларининг истеъдодли ўқувчилари ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилари ташаббуси билан Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби билан танишдилар.**

– Мактабимизда 136 нафар қобилиятли ўқувчилар таълим олади, – дейди мактаб директорининг маънавият ишлари бўйича ўринбосари, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Маъмура Юсупова. – Улар орасида ўз ижоди ва изланишлари билан ибрат бўлаётган ўқувчиларимиз билан фахрланамиз.

***Суратда:*** *ўқувчилар ижод мактаби экспонатлари билан танишишмоқда.*

*Султонбой ДЕҲҚОНОВ*
*олган сурат*

# СПОРТ янгиликлари

## Турсуной чорак финалда "тўхтади"



**Туркиянинг Истанбул шаҳрида бокс бўйича аёллар ўртасида ўтаётган жаҳон чемпионатининг чорак финал баҳсларига терма жамоамизнинг 5 нафар аъзоси етиб келишган эди.**

Куни кеча ¼ финал босқичида вилоятимиз бокс маликаси Турсуной Раҳимова таиландлик Жутамас Житпонгга қарши рингга кўтарилди. Қизғин курашларга бой ўтган жангда терма жамоамиз сардори очколар ҳисобида мағлуб бўлди.

Маълумот учун, Турсуной 2020 йилнинг март ойида айнан Жутамасни мағлубиятга учратиб, Токио Олимпиадаси лицензиясини қўлга киритганди. Афсуски, бу сафар омад таиландлик боксчига кулиб боқди.

## Дзюдочилардан 29 медаль



**Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида Бекет Маҳмудов хотирасига бағишлаб ўтказилган Осиё Кубоги – 2022 мусобақаси якунига етди.**

Мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди. Ҳамюртларимиз икки кунлик муросасиз беллашувлар натижасига кўра 11 та олтин, 6 та кумуш ҳамда 12 та бронза, жами 29 та медаль соҳиби бўлишди. Вакилларимизнинг бу муваффақиятига қизларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшишди. Улар барча вазн тоифасида чемпионлик шоҳсупасига кўтарилишди.

## Жуфтлик учун омадли турнир



**Италиянинг Гавирете шаҳрида пара академик эшкак эшиш бўйича ўтказилган халқаро мусобақа вакилларимиз учун муваффақиятли якунланди.**

Жумладан, ПР2 МИХ 2Х йўналишида ҳамюртларимиз Отабек Қўчқоров ҳамда Феруза Бўрибоева жуфтлиги 8 дақиқаю 41 сония вақт билан 1-ўринни эгаллаб, олтин медални қўлга киритишди.

**Суҳробжон САДИРОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади**


TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Salom SAMADOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Ra'no TURDIBOYEVA
Sergey MUTIN
Zarifa ERALIYEVA
Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(71) 233-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(71) 233-70-10
Mas'ul kotib:
(71) 233-90-82
Bo'lim muharrirlari:
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(71) 233-54-10
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:
Kumush EGAMBERDIYEVA
Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.
Bosishga topshirildi – 21.00
Nashr ko'rsatkichi – 205.
Buyurtma G-535.
4 061 nusxada chop etildi.
Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A–2.
**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: 100000, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
**ISSN 2010-9318.**

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.**

1 2 3 4 5 6


## Чоршанба сабоқлари

# Иншо

– Эртага дам олиш куни, – ўқитувчи болаларга қарата дона-дона сўзлади, – албатта, ота-онангиз билан бирор маданий масканга бориб, таассуротларингизни иншо тарзида ёзиб келинг. Душанба куни текшириб оламан!

Қўнғироқ чалингач 4-«Б» синфи ўқувчилари папкаларини елкаларига осдиларда, уйларига йўл олдилар. Анвар то лифтдан кўтарилиб, уй қўнғироғини чалгунча ҳам эртага ким билан қаерга бориш мумкинлиги ҳақида ўй сурарди.

– Эртага айлангани чиқишимиз керак экан, – саломни ҳам унутиб эшикни очган онасига термулди бола, – устозимиз айтди, агар иншо ёзиб бормасак икки қўяркан.

– Яхши, яхши, – ошхонага чопди Малоҳат, – тез кийимларингни алмаштир, овқатланамиз.

Ишдан чарчаб келган Азизбекнинг бўйнига осилган Анвар унга ҳам онасига айтганларини такрорлади. Буни эшитган ота бошини қашлаб, Малоҳатга имлади:

– Ана, ойинг билан айланиб келасизлар.

– Яна менми? Ўтган сафар ҳам бормагандингиз...

– Ўзи бир кун дам олсам, жуда чарчаганман.

– Менинг эса мазам йўқ. Иситмам ҳам чиқди, шамолладим шекилли, – аёл бошига танғиб олган рўмолга имо қилди, – бошим тарс ёрилай деяпти...

Азизбек иккисига мўлтираб турган ўғлига қаради:

– Хўп, мана, ёнимиздаги боққа чиқамиз бирровга, бўптими?

– Доим ўша ерга чиқамиз-ку, дада.... музейга борайлик.

– Ҳай майли, фақат одобли бола бўлиб бориб келасан, келишдикми?

– Хўп бўлади! – суюниб кетган Анвар дарҳол хонасига чопди: эртанги кун учун керакли буюм ва кийимларини ҳозирлади.

Тонг отиши билан ўрнидан туриб, саёҳатга ҳозир бўлган болакай отасининг уйғонишини икки соатча кутди. Сўнг нонушта қилиб йўлга тушишди...

Тушликдан сўнг уларни кутиб олган Малоҳат ўғлидан кун таассуротларини сўради.

– Ҳозироқ иншо ёзишга киришаман, анча нарсаларни ўргандим... – жавоб берди ўғли.

– Яша! Борақол хонангга...

Эртасига биринчи соатда барча дафтарларни йиғиб олган ўқитувчи дарсни бошлади. Танаффус вақтида иншоларни бирма-бир текширар экан, Анварникини ўқиб бир зум туриб қолди. Бир оз муддат ўйга чўмди. Сўнг Анварнинг ойисига қўнғироқ қилиб, бўш вақтида келиб кетишини сўради. Малоҳат эса ўғли мактабда бировни уриб-нетиб қўйганмикин, деган хавотирда ўғлини кутмай дарҳол йўлга тушди.



– Анвар аълочи бола, – гап бошлади ўқитувчи Малоҳатни бўш хонага бошлаб, – айниқса, ўқиш дарсини яхши кўради, ажойиб иншолар ёзади... Кеча ҳам бир иншо ёзган экан.

– Ҳа, дадаси музейга олиб борди! – устози ўғлини мақташ учун чақиртирганини пайқаган Малоҳат фахрланди, – келибоқ иншосини ёзди.

– Ўзингиз ўқиб кўрдингизми?

– Улгурмапманда, – ўнғайсизланди аёл.

– Ундай бўлса, албатта ўқинг. Болалар биз катталар кўра олмаган айрим ҳақиқатларни теран кўради, ўрганади, ўзлаштиради... Керак бўлса, биз катталарга сабоқ беришади.

Ўзига тутқазилган дафтарни қўлига олган Малоҳат ҳайрон бўлганча уни очди.

"Музейдаги таассуротларим (Иншо).

Кеча мен дадам билан музейга бордим. Кичик саёҳатимиз мобайнида мен кўп нарсаларни ўргандим. Масалан, алдашни. Ойим дугоналари билан қўнғироқлашиб, дам олиш куни учрашишга келишиб олганди. Дадам келиши билан эса бошига рўмол ўраб «касалман», деб алдади. Дадам бўлса мени музейга олиб бораман, деб ваъда берганди. Ҳа, биз музейнинг ёнида туриб уни ташқаридан анча томоша қилдик. Кейин эса кинога тушдик. Чиптачи хотин ёшим нечадалигини сўраганди, дадам 9 деб айтди. Аслида 10 ёшманку, деб айтмоқчи эдим, дадам «жим» ишорасини қилди. Кейин кўзим рўпарамда илиб қўйилган ёзувга тушди. У ерда «10 ёшдан катта болаларга билет олиниши шарт», деб катта қилиб ёзиб қўйилган экан. Биз битта чипта олдик. Уруш-уруш кино экан, дадам мириқиб томоша қилди. Мен эса ярмида ухлаб қолибман. Дадам уйғотиб, музқаймоқ олиб берди ва ойимга «музейга бордик», деб айтишимни сўради. Мен ҳам «хўп», дедим ва ойимни алдадим. Автобусга чиққач мен дадамга ўғил эмас, жиян эканимни билиб олдим. Биз чиройли холанинг ёнига ўтирдик. Хола менга конфет берди. Дадам эса "жияним жуда ақлли-да", деб мени мақтади. Уйда бизни кутиб олган ойим тузалиб қолган экан. Ойим дадамдан «мактабда йиғишаяпти экан», деб пул олди. Аммо уни менга бермади. Мен эса хонамга кириб кийимларимни алмаштирдим ва дарс тайёрлашга киришдим. Менинг бугунги кундан таассуротларим шулар эди".

Иншони ўқиб бўлган Малоҳат кўзларини яширди. Буни сезган ўқитувчи уни ҳоли қолдирди...

**Нодирабегим ИБРОҲИМОВА**

## Мана гап



*Агар илму маърифатнинг сурати бўлганида у қуёшдан, ойдан, осмон-у юлдузлардан-да гўзалроқ бўларди.*

*Ҳасан Басрий*

## Кўзгудаги ўзимиз

### ПОҒОНАМА-ПОҒОНА

Фарзанди 1-синфга чиққан ота-оналар:

– Устоз, болам биринчи партада ўтирсин, илтимос. Биздан нима хизмат...

Фарзанди 2-синфга ўтганда:

– Устоз, боламнинг ўқишлари яхшими? Раҳмат, албатта, уй вазифаларини ўзим бирга бажаряпман.

Фарзанди 3-синфга ўтганда:

– Менинг болам ҳам тадбирда қатнашсин, ўзим ёдлатаман, шеърини. Барака топинг, устоз.

4-синфга ўтганда:

– Устоз, боламнинг одоби яхшими, ўзингиз чарчамаяпсизми? Барака топинг, устоз.

5-синфга ўтганда:

– Мени болам бошланғич синфда ҳамма фандан аъло баҳо оларди, нимага ўқитувчиси она тилидан 4 баҳо қўяди, ўзингиз бир гаплашиб кўринг.

6-синфда:

– Мажлис дейсизми, мен ишдаман, адаси чет элдалар, кейинги сафар борарман.

7-синфда:

– Менга уй вазифаларини тайёрлаяпман деди-ку, ўзи ўқитувчиларингиз битта мени боламни топиб олган. Мактабга боролмайман, вақтим йўқ!

8-синф:

– Нима битта менинг боламда телефон бор эканми, тортиб олишга нима ҳаққингиз бор. Устингиздан шикоят қиламан...

9-синф:

– Муштлашган бўлса тарбия беринг, ҳадеб мени безовта қилавермай.

10-синфда:

– Устоз, фарзандимнинг ўқишлари яхши бўлиши учун нима қилишим керак, у эртага бир столнинг эгаси бўлиши керак, ёрдам беринг...